

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ”
КАФЕДРАСИ

Қаршибаева Рушана Олимжоновнанинг

5140700- ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ
УЧУН **«ЎҚУВЧИЛАРНИ КУБИЗМ УСЛУБИДА НАТЮРМОРТ
ИШЛАШГА ЎРГАТИШ»** МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: Бобожонов А.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки химоядан ўтди.
10 - сонли баённомаси ” 30 ” май 2012йил

ГУЛИСТОН – 2012

МУНДАРИЖА

К И Р И Ш.....	3
I-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ КУБИЗМ УСЛУБИДА НАТЮРМОРТ ИШЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ.....	11
1.1 Ўқувчиларни кубизм услубида натюрморт ишлашга ўргатишнинг назариядаги ва амалиётдаги мавжуд аҳволи.....	
1.2. Ўқувчиларни кубизм услубида натюрморт ишлашга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	19
II-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ КУБИЗМ УСЛУБИДА НАТЮРМОРТ ИШЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ АМАЛИЙ ВА ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ	28
2.1. Ўқувчиларга кубизм услубида натюрморт ишлашни ўргатиш машғулоти мазмуни	28
2.2. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва унинг натижаларини таҳлили.....	50
Умумий хулосалар ва методик тавсиялар.....	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон аҳолиси асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Уларга кўрсатилаётган эътибор Ватан тараққиётига ва аҳоли фаровонлигини оширишга сезиларли таъсир этмасдан қолмайди. Шу боис ҳам мухтарам президентимиз Ислом Каримов бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқоролик жамиятини барпо этиш жарёни етук малакали кадрларга боғлиқ эканлигини назарда тутиб, “Юксак маънавият-енгилмас куч” номли асарида шундай дейди: “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак”.

Ҳар бир киши ёзиш санъатининг ўрганганидек натюрморт чизишни ҳам ўрганиб олиши мумкин. Натюрморт чизиш тасаввурни таркиб топтиради. Натюрморт жанри ўқувчиларда тафаккурни ва ижодий қобилиятларни ўстиради, уларнинг бадиий дидини тарбиялайди, ҳаётни ва санъат гўзаллигини кўра олишга ўргатади. Ўқувчиларни нарсаларга қараб хотирадан ва тасаввурдан расм чизишга ўргатади. Умумтаълим мактабларида ана шу янгиликларни тасвирий санъат дарсларида натюрморт жанрини ўргатишда қўллаш долзарб вазифалардан биридир. Чунки тасвирий санъат жанрларидан бири-натюрморт эстетик тарбиянинг асосий воситаларидан бири ҳисобланиб, ўқувчиларни тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишда ўқувчилар тасвирий санъатдан илмий билим асосларини эгаллайдилар, борлиқни ўзлаштирадилар. Бу эса уларга ғоявий ақлий, ахлоқий эстетик жихатдан самарали таъсир кўрсатади, қобилиятининг ўсишига дунёқарашининг

шакилланишига ёрдам беради, шахсни ҳар томонлама камол топтиради. Уларни санъат асарларини тушуниш, табиатдаги гўзалликларни идрок қилишда уларга кундалик ҳаётимизда энг зарур бўлган буюмлар-чойнак, пиёла ва шунга ўхшаш уй рўзғор буюмларини чиройли безаклари саъаткор рассомнинг қўли билан яратилишини тушуниб етадилар.

Натюрморт жанри тушунчасига нарса ва бўёқлар ёрдамида мато, қоғоз, фанер ва бошқа нарсаларда тасвирланади. Бу элементлар буюм шаклини, рангини, ёритилишини, ясалган материални, тасвирланаётган нарсанинг қандай шароит ва муҳитда эканлигини тасвирлашда намоён бўлади.

Ушбу битирув малакавий ишимизда тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга кубизм услубида натюрморт жанрини чиқишга ўргатиш ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Мактабда бадиий таълим ва тарбиянинг сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор тадқиқот ишларини бажараётган педагогик олим ва илғор ўқитувчиларнинг номларини тилга олиш мумкин: А Сулаймонов, Р. Хасанов, Ҳ. Эгамов, С. Булатов, Б. Азимова, Б. Бойметов, Толипов Н., Абдирасилов С. ва бошқалар. (28)

Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатиш масаласи алоҳида муаммо сифатида ўрганилган. Чунки таълим жараёнини кўп босқичли яхлит тизимга эга бўлиб, унинг ҳар бир босқичи таълим олувчиларнинг ёш ҳамда ўзига хос хусусияти, таълим-тарбия жараёнидаги интеллектуал қобилиятига ҳамда таълимни изчил, тизимли ва узвий амалга оширилишига боғлиқдир.

Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатиш асосида ташкил этишда ўқитувчи бўлажак мутахассис сифатида таълим жараёнининг бош объекти ва субъекти эканлигини кўплаб олимлар этироф этган бўлсада алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Унинг эҳтиёжи, қобилияти қизиқиши ва имкониятлари, тайёргарлик даражаси ва таълим сўнгида эришиладиган натижаси ўз тақомилига эга эмас.

Республикаимизда ёш авлодга бадий таълим-тарбия бериш, маънавий камол топишларини ташкил этишда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бадий таълимнинг мақсад ва вазифалари ўқитиш методлари ҳам янгиланмоқда. «Таълим тўғрисида» қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни қайта ишлаб чиқилди.(1) Таълим мазмунининг ўзгариши таълим жараёни таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини тақоза этади. Анъанавий таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим методларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса бадий таълимни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари кенг қўламда жорий этилиши кузатилмоқда.

Юқорида фикрлардан келиб чиққадиган бўлсак, кубизм санъатининг мамлакатимиз таълим соҳасида ўқитилиши алоҳида эътибор қаратадиган йўналишлардан бири эканлигини қайд этиш зарур. Шунинг учун, мактаб, лицей, коллеж ва санъат билим-юртларига тасвирий ва кубизм санъати бўйича тегишли манбалар етиштириб бериш зарурдир. Бу соҳада санъатшунослик йўналишлари асосида яратилган илмий тадқиқотчилик, ҳамда санъатшунослик илмий ишларини сифатини ошириш зарур. (23)

Шу боис биз жаҳон санъати тарихида кенг тарқалган кубизм санъати, шу билан бирга бу санъатнинг ўзбек рассомлари ижодига кириб келишини ўрганиш мақсадида “Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларни кубизм санъати билан таништириш” номли битирув малакавий ишимизни ёритиб беришни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Кубизм санъатини бўйича мутахассислар томонидан махсус муаммо сифатида шуғулланиш XX асрнинг бошларига тўғри келди. Бунда ривожланган давлатлардан: АҚШ, Франция, Англия, Россия каби мамлакатларда катта илмий тажриба тўпланди. Буларга А. Тихомиров, М. Лифшиц, Л. Рейнгард, О. Петрочук, Т. Катерова, М. Кузмина, С. Е. Можнегун олимларинг рисоаларини мисол қила олишимиз

мумкин.(21,30,37,) Бизнинг республикамизда ушбу муммоларнинг айирими билан Н. Абдуллаев, Н. Ахмедова, Л. Ибрагимов, Б. Жалоловлар шуғулланганлар.(5,6)

Ўқувчиларни бадиий жиҳатдан баркамол, санъатга бўлган садоқат, дунё қараши атрофига кенг бўлиб вояга етказишда жаҳон кубизм санъати билан танишиб уни таҳлил қила олиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ўқувчиларни жаҳон кубизм санъати тарихи, билан таништиришда ўқитувчининг маҳорати, унинг билим даражаси юксак даражада бўлиши талаб қилинади.

Умумий ўрта таълим ўқув дастурида кубизм санъатнинг санъатшунослик асослари, унинг тарихига оид маҳаллий ва умуминсоний бадиий маданият намуналарини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Уларни ўрганиш ўқувчиларга тасвирий фаолиятни бошқа турларида самарали ишлаш учун ўзига хос замин тайёрлайди. Кубизм санъатни асослари ўқув фаолиятида ўқувчилар санъат асарларининг яратилиши жараёнини кузатиш билан бирга уларни таҳлил этишга, уларга ўз муносабатларини билдиришга ўрганадилар. Кубизм санъати ўқувчиларни санъатга бўлган қизиқишини мустахкамлашда мактабдаги амалий дарсларни самарали бўлишида муҳим роль ўйнайди.

Шундан келиб чиқиб, БМИ мавзуси “Ўқувчиларни кубизм услубида натюрморт ишлашга ўргатиш” деб номланди.

Битирув малакавий ишининг **мақсади**: Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларни натюрморт жанри билан таништириш ва кубизм услубида натюрморт ишлашни ўргатишнинг самарали йўллари ва методларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

.

Битирув малакавий ишининг **объекти**: Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга кубизм услубида натюрморт ишлашни ўргатиш жараёни.

Битирув малакавий ишининг **предмети**: Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишнинг мазмуни.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш.
2. Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишнинг объектив ва субъектив омилларини аниқлаш.
3. Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларни кубизм услубида натюрморт ишлашга ўргатишга хизматқилувчи мақбул шакл, метод ва воситаларни белгилаш.
4. Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Битирув малакавий ишининг **методлари:** муаммога оид педагогик, психологик ва методик адабиётлар мазмунини ўрганиш, назарий жихатдан таҳлил этиш; ўқув жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш; педагогик кузатув; суҳбат; анкета сўровлари ўтказилди.

Битирув малакавий ишининг методологик асоси:

Республикада узлуксиз таълим тузимиининг мазмунини белгилаб берувчи директив меёрий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон республикасининг “Таълим тўғрисида” қонуни “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва Ўрта махсус халқ таълими вазирликлари томонидан қабул қилинган қарорлар, меёрий ҳужжатлар ва ҳ. к.з.

Битирув малакавий ишининг **илмий янгилиги:** Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатиш муаммосини педагогик йўналишда БМИ сифатида тадқиқ этилди.

Битирув малакавий ишининг **назарий аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:**

Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишга йўналтирилган фаолият мазмунини ишлаб чиқилди; “таълим

технологияси”, “ўқув жараёнига технологик ёндашув”, ўқув жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш” каби тушунчалар педагогик нуқтаи назардан шархланди.

Битирув малакавий ишининг **амалий аҳамияти:**

Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатиш омиллари, йўллари, педагогик шарт-шароитлари кўрсатиб берилди. БМИ ишида илгари сурилган назарий қарашлар таълим-тарбия жараёнини мазмунан бойитади, ушбу жараённи такомиллаштиради ҳамда таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг **илмий фарази** Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга кубизм услубида натюрморт ишлашга ўргатиш воситасида таълим самарадорлигига эришиш мумкин, агарда:

- Тасвирий санъат машғулотларда таълимни ташкил этишга нисбатан янгича ёндашув қарор топса:
- Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишни амалиётга тадбиқ этилишига эришилса.
- Тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилса.

Дидактикада технологик ёндашув ривожлантиришга оид муаммолар кенг қамровли ишлаб чиқилган бўлсада унга замонавий ёндашув талаб этилмоқда. Таълим жараёнига педагогик технологияларнинг кириб келиши, интерфаол усулларнинг қўлланилишига янгича шакллари юзага келтирмоқда. Шунга кўра тадқиқ этилаётган ишнинг муҳимлиги ва аҳамияти, ушбу муаммонинг атрофлича ўрганиб чиқилишини тақозо этмоқда.

Битирув малакавий ишнинг **тузилиши.** Битирув малакавий иш, кириш, икки боб, тўрт фасл, хулоса, илмий методик тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ КУБИЗМ УСЛУБИДА НАТЮРМОРТ ИШЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

1.1 Ўқувчиларни кубизм услубида натюрморт ишлашга ўргатишнинг назариядаги ва амалиётдаги мавжуд ахволи

Жамиятимизнинг бош мақсади бўлган ўзбек моделини маданий ва маърифий йўналишлардаги ислохатларини амалга оширишда демократик, фуқаролик жамиятимизнинг таркибий усуллари ислох этувчи эркин шахс тарбияси, унинг мустақил тафаккурини шакллантириб бориш асосий талабларидан биридир.

Кубизм санъати жаҳон санъати тарихида муҳим бир босқич ҳисобланиб, Европа, Америка, Рус санъатида кенг тарқалган ва ўзбек санъатига ҳам кейинчалик кириб келган. Бугунги кунда бу санъат йўналиши жаҳон ҳамжамиятида бўлгани каби ўзбек санъатида ҳам етакчи ўринга чиқиб бормоқда. Очилаётган кўرғазмалар, ташкил этилиётган турли бадиий танлов ва намойишларда шу санъатни етакчилиги сезилиб бормоқда. Шу сабабли кейинги пайтларда шу масалага оид мақола ва китоблар ҳам чоп этилмоқда. Жумладан 2002 йилда А.Сулаймонов, Н.Абдуллаевнинг нашрдан чиққан умумий ўрта таълим мактабларининг 7 синф учун «Тасвирий санъат дарслиги»да кубизм санъатига қисман тўхталиб ўтган. Олий ва ўрта-махсус таълимда хусусан ўқитувчилар тайёрлайдиган институт ва университетларда ҳам санъатнинг ушбу йўналишига эътибор кучаймоқда. (39)

Илмий тадқиқот ишимизни ёзишда Москвадаги “Тасвирий санъат”, “Санъат”, “Ижтимоий-иқтисодий адабиёт”, Санкт-Петербургдаги “Россия рассоми” нашриётида чоп қилинган китоб ва дарсликлар асосий манбаа бўлиб хизмат қилди. Буларга: “Модернизм” асосий йўналишларининг таҳлили ва танқиди – китоби асосий манбаа бўлиб, кубизм йўналишидаги барча услубларнинг замонавий чет эл тасвирий санъатида мавжудлиги, уларнинг таҳлили баён этилган. Булардан экспрессионизм, кубизм,

футуризм, абстракционизм, дадаизм, сюрреализм, поп-арт, оп-арт, кинетик санъат оқимлари ва уларнинг ривожланиши ҳақида фикр юритилган. Бу рисолаларда А. Тихомиров, М. Лифшиц, Л. Рейнгард, О. Петрочук, Т. Каптерева, М. Кузьмин муаллифлари томонидан йиғма мақолалар қилиб чоп этилган¹. Е.Можнегуннинг “ Абстракционизм - разрушение эстетики” (28) китобида кенг тарқалган оқимлардан абстракт санъатининг бошқача эстетик қирралари ва уларнинг турлари ҳақида, у қачон, кимларга хизмат қилиши ва унинг фалсафий қарашлари тўғрисида баён этилган.

Санъатшунос В.М.Полевой томонидан ёзилган “Искусства XX века. Изобразительное искусства и архитектура стран народов” китобида ўтган аср тасвирий санъати тўғрисида сўз борар экан, унда кубизм санъатнинг янги йўналишлари ва уларнинг усталари, асарларидан намуналар келтирилган². Ўзбек кубизм санъатини ёритиб бериш учун Н.Аҳмедованинг “Традиции, самобитность, диалог” китобидан фойдаланилди, ушбу китобда ўзбек кубизм санъатининг улкан намаёндалари, уларнинг ютуқлари, шунингдек томошабиннинг фикри, дунёқарашлари ва кубизм санъатига бўлган талабларлар тўғрисида тўхтаб ўтилган.(5,6,10)

Шу билан бирга кубизм санъати бўйича кўплаб рўзномалардан ва интернетдан олинган маълумотлардан ҳам фойдаланилди.

Айнан, тасвирий санъат дарслари доирасида ўқувчи дунёқараши, тафаккури ва бадиий эстетик диди шаклланади, ижтимоий тузумга онгли муносабати таркиб топишда кўмак бўлади. Демак, тасвирий санъат дарслари мазмунини чуқур ўзлаштиришни мустақил тафаккурни шакллантирувчи омил деб қарашимиз лозим.

Жойларда тасвирий санъат ўқитувчилари билан ўтказилган мулоқатлар шундан далолат берадики, уларнинг аксарияти кубизм санъатини ўқитилишини бир тамонлама англайдилар, кўпинча уни «янги санъат жараёни» деб ҳисоблайдилар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Аxbарот-аxbарот ва аxbарот-аxbарот технологиялари вазирлиги, 2019 йил.

Тўғри, таълим тизимимиз ҳали илғор таълим технологиясига тўлиқ тайёр эмасдир, аммо таълим технологиясида ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлашга катта имконият бор. Кубизм санъатини ўқитишни тасвирий санъат дарсларида қўллаш орқали ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш масаласи ечимининг бир томони деб ҳисоблашимиз мумкин. Кенг маънода эса кубизм санъатини ўқитиш жараёнининг яхлит тарзда, мазмунли амалга ошириш техникаси, унинг пировард натижалари самарадорлигини белгиловчи омил, ўқитувчи, кадрларни маҳоратга, самарали меҳнат қилишга етакловчи йўлдир.

Тасвирий санъат дарсларида кубизм санъатини ўқитиш муайян мавзу, фан асосларидан ўқувчиларга кўникма ва малака даражасида тез ва қулай билим бериш ҳам таълимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маҳорати ҳам муҳим роль ўйнайди.

Рассом-педагог Рўзи Чориев таъкидлаганидек, тасвирий санъат ўқитувчиси маҳоратига тўрт йўл билан эришилади:

Биринчидан: илғор ҳамкасблари иш тажрибасини қунт билан ўрганиш, ўз шароити ва имкониятидан келиб чиқиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш ва такомиллаштириш орқали.

Иккинчидан: ижодкорлик, изланиш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, қиёслаш, йўл қўйган услубий камчиликларини танқидий баҳолаб, уларни бартараф этиш, ўз иши фаолиятини янада такомиллаштириш, ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз фаолиятининг мукамал, ўзига хос шакл ва услубини белгилаб олиши орқали.

Учинчидан: хорижий педагогик тажрибаларни ижодий ўрганиш орқали.

Тўртинчидан: республикамизда ва хориж мамлакатларида чоп этилаётган тасвирий санъат фанидан педагогик технологиялар ва методик янгиликларни узлуксиз тарзда кузатиб бориш орқали.

Бугунги кун таълимда тасвирий санъат ўқитувчиси кубизм санъатини ўқитишда бу тўрт омилни сидқи дилдан бажармай туриб, ўқитувчи ўз фаолиятида арзигулик ютуқларга эришиши амри маҳол, шу боисдан ҳам

кейинги йилларда вазирлик томонидан ўқитувчининг ҳам илмий, ҳам методик, ҳам таълим технологияси талабларини ўрганиб олишларига ёрдамлашиш мақсадида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда Халқ таълими вазирлигининг бевосита мутахассислигидаги тасвирий санъатга оид илмий-услуб журналлар, улардаги мақолалар педагог ходимларга ёрдам бериб келмоқда.

Аммо шуларга қарамасдан тасвирий санъат дарсларида кубизм санъатини ўқитиш аҳволи жуда ночор.

Нима учун мактабларда ўқувчиларга кубизм санъати ўқитилиши ночор аҳволда? Нега ўқитиш методикаси замон талабларига жавоб бермайди? Замонавий таълимдаги ечилмаётган муаммолар фақат анъанавий методиканинг камчилигими? Тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчиларни аниқлаш ва ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга ошириятими? Мактабларда истеъдотли, қобилиятли ўқувчилар йўқми? Ўқиш жараёни шунчалик самарасиз бўлиб қолганми? Буларнинг сабаби нимада? Сабаби кўп. Бугунги кунда тасвирий санъат ўқитувчиси ўқувчилар билан самарали иш олиб бориш имкониятидан чекланган. Гуруҳларда ўқувчиларга максимал даражада билимлар берилмаяпти, бундай ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш зарур. Тасвирий санъат ўқитувчиларининг билим савияси етарли эмас. Гуруҳдаги умумий ишлар жараёнида қобилиятли ўқувчиларга ижодий имкониятлари чекланиб қолмоқда. Тасвирий санъат дарсларида, айниқса кубизм санъатига оид адабиётлар, кўرғазмали қуроллар етишмаслиги сезиларли даражада. Шу муаммолар ва мактабларининг тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга кубизм санъатини ўқитилиши амалиётда қанчалик даражада қўлланилмаяётганлигини ўрганишимиз мақсадида, 2007-2008 ўқув йилининг II-ярмида биз Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри 15-сон умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат дарсларининг ўқитилиш аҳволини ўрганиб чиқдик. Бу мактабларда тасвирий санъат ўқитилиши аҳволи оғир. Биз бир гуруҳ методист ўқитувчилар билан биргаликда шу мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси Вапаев Равшанинг «XIX аср охири XX аср

бошларида чет эл санъати» мавзусидаги машғулоти таҳлил этдик, машғулот анъанавий жараёнда, кўпроқ маъруза турида олиб борилди, дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнининг пассив иштирокчисига айланиб қолганларини кузатдик. Ўқувчиларга бетиним жиддий дарс берилиши, устма-уст амалий ишлар берилиши, уйга берилган топшириқларни кониқарли топширилмаслиги, ўқувчиларга қобилиятига яраша индивидуал ёндашиб топшириқлар берилмаслиги уларни ўқишдан бездириб қўйилганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса аксарият тасвирий санъат дарсларида ўқувчилар мустақил фикрлашга, бахс-мунозарага, ўзини-ўзи таҳлил эта олишга, эгаллаган билимларни амалиётда қўллай олишга чорлашда ночорликни кўрдик. Ўқитувчи кўргазмали қуроолларсиз, дидактик материалларсиз машғулот ўтиши, ўқувчининг тафаккури, билими, малакаси қаердан ривожлансин?

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг 3-босқичида ўқув-тарбия жараёнида самарали таълимга ўтиш, унда тегишли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялари билан таъминланади, деб қатъий белгиланди, аммо санъат коллежлардаги аҳволни ўрганиб чиқар эканмиз, бунинг аксини кўрмоқдамиз. Ваҳоланки, тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўзи ҳали кубизм санъати мазмун-моҳияти тўғрисида деярли тасаввурга эга эмаслар. Шунини айтиб ўтиш жоизки машғулотлар ҳамон анъанавий усулда олиб борилмоқда, ўқувчиларни лаёқати, қобилияти, индивидуал психологик ривожланганлигини ҳеч бир ўқитувчи қайд қилиб бормайди. Машғулотлар тасвирий санъат хонасида олиб борилади, лекин фанга оид кўргазмали қурооллар, дидактик материаллар мавжуд эмас. Натижада ўқувчилар дарс ўзлаштиришлари қийинлашмоқда. Илғор педагогик технологилардан хабардор бўлишлари шартлигини айтиб ўтмоқчимиз. Мактаб раҳбари ўқитувчилар дарсларини таҳлил этиб, янги дарс усуллари, ўқувчиларга индивидуал ёндашув, унинг афзалликларини атрофлича маъно мазмунини очиб беришлари лозим. Ҳар бир мактабда илғор педагогик тажрибалар хонаси ёки махсус адабиётлар жовони, бурчагини ташкил этиши керак. Токи

хар бир ўқитувчи шу жойдан ўзига керакли маълумотларни ола билсин. Бундан ташқари ўқитувчига ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериши даркор.

Тадқиқотлар кўрсатишича, фақатгина тўғри ташкил этилган методика, ўқувчининг индивидуал ривожланганлик даражасини ҳисобга олиб, уларга индивидуал ёндашиш орқалигина берилган билим самарали бўлади. Шундай дарс ўтиш услубларини биз Гулистон шаҳар 16-сон ўрта мактабида тасвирий санъат фани ўқитувчиси Бегиев Кахрамоннинг машғулотрини кузатдик. Унинг тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларларга самарали методлар воситасида таълим бериш жиҳатлари яққол сезилиб туради. Бир неча кузатган дарсларимизда ўқувчиларнинг кўпчилиги берилган топшириқни бажариб тугатса, қолганлари мустақил давом эттираверадилар. Иқтидорли ўқувчиларга топшириқлар мураккаброқ, кенгроқ, чуқирроқ берилади, гуруҳдаги топшириқлардан ташқари ўқитувчи яна махсус топшириқларни уйида бажарадилар.

Бугунги кун тасвирий санъат ўқитувчилари кубизм санъатининг асл моҳиятини тушуниб етмоқдами? Биз бир гуруҳ шу мактабларнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларига шу муаммо юзасидан анкета саволлари билан мурожаат қилганлигимизда жавоблар натижаси шуни кўрсатдики, ўқитувчиларнинг 7% бу борада билимга эга эканлар, 43% ўқитувчи умуман бу ҳақда тасаввурга эга эмаслар, бу унинг асл моҳиятини тушуниб етмаганликларидан далолатдир. 15% ўқитувчи эса малака ошириш давридаги билимлари асосида тасвирий санъат машғулотларида бу санъат тури билан танишганлар, 35% ўқитувчи фақат анъанавий дарсларни ташкил этиш асосида иш кўрадилар. Кўриниб турибдики, бу муаммо ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ.

Тасвирий санъат концепциясида: «Ўрта махсус таълимда тасвирий санъат ўқув предметининг мақсади баркамол, комил инсонни унинг бадиий маданиятини шакллантиришга қаратилади» дейилган.(3,4) Мазкур мақсад ва вазифаларни чуқур таҳлил этиб, уни қуйидагича талқин қилиш мумкин.

Демак, ҳар бир ўқувчи тасвирий санъатнинг турлари ва жанрларига оид чуқур билим, Дунеқарашга эга бўлиш зарур. Бу жараён эса мураккабдир. Ана шу мураккаблик тасвирий санъат фанининг бошқа фанлардан ажралиб туришини кўрсатади.

Ушбу боб юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тасвирий санъат фанидан ўқувчиларга кубизм санъатини ўқитиш юзасидан ўтказган тадқиқотимиз муаммони, педагогик назарияда ва амалиётда қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатди. Шу кунга қадар муаммога доир, илмий методик тавсиялар, илмий мақолалар, методик қўлланмалар ўзбек тилида яратилмаган. Шу билан бирга амалдаги ўрта махсус таълим муассасалари учун концепция, Давлат таълим стандарти, дастур, қўлланмаларда мазкур муаммога доир фикрлар ва мулоҳазалар ўз аксини топмаган.

Мактабларда кубизм санъатини ўқитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам қониқарли деб бўлмайди, биз кузатиш олиб борган барча мактабларда кубизм санъатини ўқитиш методикаси ўз аксини топмади, бу муаммо ўқитувчилар фаолиятида эътибордан четда қолиб келмоқда. Бу эса кубизм санъатига қизиқувчи, иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Шу мақсада уларга берилган топшириқлар, улар билан олиб борилган ишлар учун махсус тасвирий санъатдан таълим мазмуни ҳамда, машғулотларни ўтказиш методикаси ишлаб чиқилиши лозим.

1.2. Ўқувчиларни кубизм услубида натюрморт ишлашга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги замон жаҳон тасвирий санъати тез ва турли оқим, ҳамда йўналишларда ривожланмоқда. Лекин бу жараён ҳамма мамлакатларда бир хил кечмоқда деб бўлмайди. Бир мамлакатда реализм, бошқасида импрессионизм, яна бошқасида абстракционизм шуҳрат қозонмоқда.

Умуман эса XIX аср охири ва XX аср тасвирий санъати тараққиётида Франция, Мексика, АҚШ, Испания, Россия каби мамлакатлар етакчилик қилмоқдалар. Жаҳоннинг илғор тасвирий санъати вакилларида французиялик П.Гоген, О.Ренуар, А.Матиссо, О.Роден, Испаниялик П.Пикассо, Америкалик Р.Кент, Мексикалик Д.Сикейрос, Д.Ривера, Италиялик Р.Гуттузо, Россиялик И.Шишкин, С.Коненков, И.Репин, И.Айвазовский, Ўзбекистонлик Ў.Тансиқбоев, Ч.Ахмаровларни кўрсатиш мумкин.(21,28,33) Бу ва бошқа бир қатор рассомлар тасвирий санъатининг асосий оқимлардан ҳисобланган реализм, романтизм, импрессионизм, формализм каби оқимларда ижод қилмоқдалар. Бу йўналишларда юксак бадиий савиядаги асарлар яратилди. Улар П.Пикассонинг “Шар остидаги қизча”, Уч мусиқачи (испания); Салвадор Далининг “Уруш қиёфаси”; Р.Кентнинг “Ноябр ойидаги Шимолий Гренландиянинг кўриниши”, Э.Уорхолнинг “Автопортрет”, А.Поздеевнинг “Театр кишилари» (Россия), С.Алибековнинг “Дўппили автопортрет” (Ўзбекистон), Д.Сикейроснинг “Янги демократия”. Мехикодаги миллий кадрлар тайёрлаш мактаби деворига ишланган сувратлар (Мексика); П.Гогеннинг “Кечув”, О.Ренуарнинг “Жанна Самари” портрети; А.Матисснинг “Идиш ва мевалар”; П.Сезаннинг “Пентуазидаги тегирмон манзараси” (Франция);

И.Шишкиннинг “Буғдойзор” (Россия); С.Коненковнинг “Поганини” (Россия); Ван Гогнинг “Адирдаги ўрим-йиғим”, О.Роденинг “Мутаффакир” (Франция), И.Айвазовскийнинг “Тўққизинчи вал” (Арманистон); Р.Гуттузонинг “Саҳродаги отиш”, “Худо бизга ёр” (Италия); Д.Риверанинг Халқ маорифи вазирлиги биносига ишланган фрескалар (Мексика); Ири Моруки. Тосуки Морукиларнинг “Херосима фожеалари” (Япония); И.Репининг “Садко” (Россия); А.Лентуловнинг “Зангори қувача ва мевалар” (Франция); Уста мўминнинг “Чўпоннинг туши” Р.Ахмедовнинг “Тонг Оналик” (Ўзбекистон) асарларидир. (26,30)

Юқорида қайд қилганидек ҳозирги замон тасвирий санъати нихоятда турли туман оқим ва йўналишларда ривожланмоқда. Шундай оқимлардан бири реализм оқимдир.

Реализм ибораси кенг маънода ҳаётни тўғри, ҳақиқатда қандай бўлса шундайлигича ўзига хос бадиий шакллар ёрдаида тасвирлашни назарда тутати ва у XIX аср ўрталарида Францияда пайдо бўлди. Бу деган сўз фотография каби борлиқни кўчириш эмас, балки уни ифодалашга ижодий ёндошиб, ҳаётдаги энг характерли, қизиқарли кўринишларни танлаб олиш, шу асосда асарлар яратишдан иборат эди. Реализмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши рассомлардан Домье, Курбе, Репин, Гуттузолар катта роль ўйнайдилар. Қуйида реализм оқимида яратилган айрим асарлар ҳақида фикр юритамиз. Улар Америкалик рассом Р.Кентнинг “Ноябр ойидаги Шимолий Гренландиянинг кўриниши”, Хитойлик рассом Чжао Пэйчжининг “Қийғоч гуллади”, россиялик ҳайкалтарош С.Коненковнинг “Поганини каби асарларидир. Р.Кентнинг Москвадаги А.С.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида сақланаётган “Ноябр ойидаги Шимолий Гренландиянинг кўриниши” номли суратида Американинг Шимолий Шарқидаги Шимолий муз океани ва тлантика океани яқинидаги оролнинг бир чеккасининг кўриниши юксак бадиий савияда тасвирланган.. расм. Унинг мазмунида бу совуқ иқлимли жойларнинг ўрганиш учун борган тадқиқотчиларнинг яшаш шароитлари ва океаннинг кўриниши ўз аксини топган.(45)

Ҳозирги замон ҳайкалтарошлик санъатининг ёрқин намунасини сфатида машҳур рус ҳайкалтароши С.Коненковнинг “Поганини” портретида кўриш мумкин. Поганини XIX аср иккинчи ярмида Италияда яшаб ижод этган скрипкачи ва композитор ҳисобланади. Мазкур асар 1956 йилда дарахт шох ва илдизларини қайта ишлаш орқали яратилган. Асар шунчалик муваффақиятли ишлаганки, ҳайкалтарошнинг фантазияси ва қобилиятига қойил қолмасдан иложи йўқ.

Сувратда ижрочини шарт бўлган асосий қисмлари ҳисобланган боши, кўллари, шунингдек. Скрипкаси акс эттирилган. Ҳайкалдаги скрипка уни камони, скрипкачининг умумий ҳолати, бармоқларнинг, сочларининг, унинг юзидаги ҳиссиётларга тўла кўриниши фақат Поганинга хослиги яққол сезилади. Ҳайкал рангсиз, ташландиқ ёғоч парчаларидан ишланган бўлсада кишига моҳир скрипкачи ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилади.

Мазкур ҳайкал орқали томошабинлар моҳир скрипкачига нисбатан ўзининг юксак ҳурматини акс эттиради. Ҳайкал Москвадаги рассомлар уюшмаси биносидан сақланади.

Реалистик рангтасвир оқимида яратилган ишлардан яна бир хитой рассоми Чжао Пейчжининг “Қийғоч гуллади” номли натюрмотидир. Мазкур иш 1980 йилда яратилган бўлиб, уни ишлашда рассом кумуш рангли фолга, тухум пўчоғи. Садаф увоклари ва лакдан фойдаланган.

Кубизм - XX асрнинг биринчи чорагида Францияда пайдо бўлди. У геометрик шакл куб сўзидан келиб чиққан. Бу йўналишдаги рассомлар реалистик санъат анъаналаридан воз кечиб, реал предмет шакллари геометрик шакллари-куб, шар, цилиндр, конус ва уларнинг комбинацияси ёрдамида тасвирлар эдилар. Бу йўналишдаги санъат намоёндаларидан П.Пикассо, Ж.Брак, Х.Грис, А.Лентулов кабиларни кўрсатиш мумкин.(38)

Кубизм оқимида оид ва характерли ишлардан бири 1987 йилда яратилган А.Поздеевнинг “Театр кишилари” деб аталади. Уни синчиклаб кузатсангиз сурат мазмунидаги ҳар бир детал у ёки бу геометрик шакл

асосига қурилганлигини шоҳиди бўласиз. Бу нарса асосан кубизм оқимидаги рассомлар ижодига мансуб.

Футуризм-лотинча “футурм” сўзидан олинган бўлиб, келажак маъносини билдиради. Бу оқим вакиллари “келажак санъати”ни яратиш мақсадида анъанавий маданиятни, унинг барча ахлоқий ва бадиий моҳиятини инкор этдилар, катта шаҳарни машиналашган ютуқларни, уларнинг ҳаракати, куч-қувватини улуғладилар. Футуризм тасвирий санъатда ўз мазмуни билан кубизмга жуда яқин туради. Футуристлар ўз асарларида шаклларнинг кесишуви, сурилиши, тўқнашувларини, мотивларни кўплаб қайтарилишини ифодалар эдилар. Бу билан улар томошабинда замонавий шаҳарлардаги шиддатли ҳаракатни тасвирини кўрмоқчи бўлдилар. Футуризм биринчидан бор Италияда пайдо бўлиб, унинг асосчиси Филиппо Маринетти ва Уго Боччони, Карло Карра эдилар. Бу оқим Европадаги бир қатор мамлакатларда кенг тарқалди.(34)

Футуризм оқимида яратилган асарлардан бири сифатида германиялик рассом Ш.Хубернинг “Тўкин-сочинлик жамиятидаги иш” номли сувратни кўрсатиш мумкин. „,-рasm. Асар 1987 йилда яратилган бўлиб, у орқали футуризм оқимининг ғояларини осон тушуниб олиш мумкин.

Примитивизм-“примитив”, яъни содда маъносин билдиради. У XIX аср охири XX аср тасвирий санъатида тасвирий воситалари атайлаб жонлаштириб, ибтидоий, ўрта асрлар, халқ санъати, болалар ижодига яқинлаштириб асар яратишдир.(38)

Примитивизмнинг пайдо бўлиши буржуа санъатда ижодкортомонидан ҳаётни реал акс этдиришдан узоқлашуви, шунингдек, Европада ХУ! асрдан бошлаб шаклланган турли бадиий услублардан воз кечиш йўлидан ҳаракатлар билан боғлиқ.

Шаклбозликдаги фовизм, кубизм оқимлари примитивизмнинг кўринишлари ҳисобланади. Касбий махсус маълумот олмаган, осон тасвирий воситалардан фойдаланиб сувратлар яратган рассомлар қаторига франциялик А.Руссо, грузиялик Н.Пиросманашвили кабиларни киритиш

мумкин. Примитивизм оқимида П.Пикассонинг айрим сувратлари ҳам бор. Хусусан. Унинг 1907-1908 йилларда яратган “Раққоса”, Н.Пиросманашвилининг “Ёш бамицин” номли асарлар примитивизмга хосдир.

Медернизм -бир қатор маданият ва санъат йўналишидаги оқимларнинг умумий номи бўлиб унинг шаклланиши XIX-XX асрларга тўғри келади. Бу оқим вакиллари мумтоз санъатнинг инсопарварлик анъаналаридан воз кечадилар. Уни дастлабки шакллари кубизм, сюрреализм, абстракционизм хисобланади.

Бу йўналиш мутхассислари ўтмиш меросдан бутунлай воз кечиш ва мавжуд бадий дид ва эстетик тушунчалар асосида шаклланган нормаларга қарамақарши бўлган янги принципларни яратиш лозимлигини илгари сурадилар. Кейинчалик XX аср бошларида модернистик оқимларнинг ривожланиши асосида абстракционизм оқими пайдо бўлди. Уни предметсиз санъат ҳам дейишади. Бу оқим 20 йиллар давомида оёққа турди ва махсус шаклланди. 1940 йилларда АҚШда “Тинч океан абстракционизм мактаблари”, ни пайдо бўлиши учун санъатнинг бошқа турлари орасида юқори ўринга чиқиб олишга имкон берди. 1940-1960 йилларда абстракционизм кўп мамлакатларга тарқалди ва ўша даврларда илғор хисобланган реализм қарши кўринишга эга бўлди. Санъатдаги бу оқимнинг мақсади маънавий эркинлик, ҳар бир рассомдаги ўзига хосликни ифода этиш. модернизмнинг чуқур асосларини очиб ташлашдан иборат эди.

Сюрреализм оқимининг вакиллари санъатда ақл-заковат, мантик, ҳар қандай табиий-эстетик ва ахлоқий ҳиссиётларни тасвирлашга қарши чиқарилади.

Импрессионизм оқими XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлиб, уни вакиллари реал борлиқни ҳаракатда, ўзгарувчанликда, ҳаётнинг қисқа дақиқаларини ҳаётий тасвирланиши илгари сурадилар.

Импрессионизм-французча бўлиб, “таасурот” сўзидан келиб чиққан. XX асрнинг иккинчи ярмида француз рассомларидан Э.Мане, О.Ренуар, Э.Дега кабилар бу оқимга асос солдилар. Улар ўз асарларида мавжуд ҳаётдаги мураккабликларни ва тоза ва осон идрок этишга ундадилар. Уларнинг асарларига деталларнинг мувозанатда бўлиши, композицияни бўлаклардан ташкил топиши, одам қоматларини рама билан кесилгандек кўринишида тасвирлаш хос эмас. Бу оқимда кейинчалик рангтасвирчи К.Моне, ҳайкалтарошликда эса О.Роден, П.Гоген, С.Дали, П.Пикассолар ижод қилдилар.(29,19)

Ана шу оқимда яратилган машҳур асарлардан бири Пабло Пикассонинг “Шар устидаги қизча” номли сувратидир.

Импрессионизм оқимида яратилган С.Далининг “Уруш қиёфаси”, О.Ренуарнинг “Жанна Самара портрети”, Э.Уорхолнинг “Автопортрет”, Л.Гавиранинг “Экология”, П.Гогеннинг “Кечув” каби асарлари бу оқимдаги юксак савиядаги асарлардир.

С.Далининг “Уруш қиёфаси” номли сувратида, рассом киши бош суяги тасвири орқали урушни одамзодни қандай қиёфага олиб келиши мумкинлигини образли тарзда ифодалайди.

Импрессионизм оқимидаги асарлардан яна бири ўзбек рассоми С.Алибековнинг “Дўппили автопортрет” номли сувратидир. Асар 1986 йилда яратилган.

Маълумки, бу расм чизувчи шахс томонидан ўзини-ўзи ишлаган портретидир. Бу асардан тамошабин қандай таасурот олиши мумкин. Бу таасурот кўпроқ реалистик рангтасвирдан фарқли ўлароқ турли деталларнинг (дўппилар, қуш, кул, гул, табиат, рассом ва аёл бошлари ва бошқалар). Бетартиб жойлашуви. Бироқ улар ниҳоятда ёқимли ва тоза ранглар кишига завқ бағишлаши билан боғлиқдир. Бу деталлар ўртасидаги умумийлик ва уларни боғлаб турувчи жиҳати шундан иборатки, унда рассом, аёл, қуш, гул, дўппи, улар ўртасидаги муҳаббатни билдириши

эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу мақсадда рассом қизил рангдаги мато орқали уларни бир-бирига боғлашга қилади.

“Постимпрессионизм” оқими Францияда импрессионизмдан сўнг XIX охири бошларида пайдо бўлди. У санъатда асарларида бадиий шаклларнинг маълум қонуниятлар асосида яратиш, фазовийлик, хажм, декфатов стилизацияга мутахасислар эътиборини қаратди.(9)

Постимпрессионизмнинг етакчиларидан бўлган П.Сезанн дунёни маълум қонуниятлар асосида тузилганлигини, унинг моддийлиги ва буюмлигини очишга ҳаракат қилган. П.Сезан билан бир вақтда ижод қилган голландиялик рассом Ван Гог эҳтиросли ижтимоий қарашлари, унинг кескин, шиддат, хаяжон билан тасвирий техникада яратилган асарларида ўз ифодасини топди. У ўз орзуларини турмуш ва афсонавий мавзулардаги сувратларда кишилар ва табиат бирлигини шароитга ифодалашга ҳаракат қилди. Унинг ижодий изланишлари символизм ва модерн стилини пайдо бўлишига йўл очиб берди. Уни янада тараққий этишда Гогеннинг М.Дени, П.Боннар исмли шогирдлари катта хисса қўшдилар.

Постимпрессионизм оқимининг яна бир йирик вакилларида бири А.Тулуз-Лотрек эди. Унинг суврат ва график паригили ишлари актер, циркчилар, кафе ходимларини ҳаёти ўткир ифодали композиция, расм, ранг, доғ ёрдамида кинояли қилиб тасвирланар эди.

Постимпрессионизм оқимида неоимпрессионизм 9французча “ажратиш2 маъносида) ва пуантицизм (французча “нуқта”) ҳам киритилади. Бу оқим Ж.Сёра, П.Синьяк, К.Писсарролар нуқта ёки квадратлар ёрдамида тасвирий шаклларни ифодалаб ижод қилганлар.

Романтизм ҳам тасвирий санъатдаги оқимлардан биридир. У XVII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида Европа ва Америка маданиятидаги ғоявий ва бадиий йўналишидир. Бу йўналишнинг асосида маънавий-ижодий эркинлик, кучли эҳтирос ва шиддатларга талпиниш. Миллий маданият ва фольклорга ўтиш, узоқ юртларга ва халқларга интилиш ғоялари ётади. У тасвирий санъатда ниҳоятда ёрқин ифодасини топди.(34)

Романтизм мактаби Францияда шаклланган. Унинг натижаларини рангтасвирчи рассомлардан Т.Жерико, Э.Делакруа, шунингдек, И.Репин, Ф.Рюд, К.Брюлов, И.Айвазовский кабилар ижодида кўриш мумкин. (42) Уларнинг асарларида ғалати, кутилмаган. Ўткир драматик ҳолатлар, хусусан, инқилобий курашлар Тарихий ўтмиш. қаҳрамонона афсоналар. Шарқнинг қизиқарли кўриниши ва воқеалари ифодаланар эди. Француз романтиклари ўз асарлари учун эҳтироси кучли характеридаги кишиларни танлаб олиар эди.

Бу оқим яратилган машҳур асарлардан бири расмони К.Брюловнинг “Помпейнинг сўнгги куни” асари бўлиб, у 1827-1833 йиллар давомида яратилган. Унга асримизнинг 79 йилида Италиядаги Помпей шаҳрида ер силкиниши натижасида рўй берган воқеа асос қилиб олинган. Бу воқеа натижасида 30.000 аҳолидан 2.000 киши ер остида қолиб кетгани ҳақида маълумотлар бор. Сувратда ер сиқилиши натижасида шаҳарликларни бу воқеадан саросимага тушиб, ундан қутулиб қолиш учун ҳаракатлари ифодаланади. Асарнинг асосий ғояси табиатнинг бешафқат инжиқликлари ваунга қарама-қарши бўлган кишилардаги гўзаллик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги зиддиятдан иборат. Буни суратнинг чап томонида сағана зинапоялари атрофида тўпланган фигуралар гуруҳида кўзга яққол ташланади.

Асарнинг биринчи планида учта кишилар гуруҳи бор Биринчиси икки ўғил ўзларининг касал оталарин кўтариб қочяптилар, иккинчисида она ва бола. Ниҳоятда учинчиси ёш эр-хотинлар тасвиланганлар.

Асар марказида зинапоядан йиқилиб. Ўзини йўқотган она ва гўдак тасвирланган. Бу тасвирда эскилик қариликнинг ҳалокати ҳамда янгилик ва ёшликнинг ривожини ифодаланган.

Бу ғоя том устидан йиқилаётган ҳайкал, будпараст ва христиан рухонийлар тасвирида ҳам кўзга ташланади.

Асарда К.Брюлов суратнинг чап юқори бурчагида ўзининг расмини бошига этюдникини қўйиб олган ҳолда тасвирлаган. У Помпей рассомнинг халокатдан ўзини олиб қолчидаги ҳаракатини билдиради..-расм.

Романтизм оқидами асарлар яратган график ўзбек рассомларидан бири А.Циглицевдир. Унинг кўпгина юксак бадиий асарлари орасида “Абу Али ибн Сино буюк аллома” номли туркум асарлари диққатга сазовордир..-расм. У 1980 йилда линогравюра техникасида яратилган бўлиб. “Китоб билим манбаи”, “Устоз ва шогирд”, “Жарроҳлик” мавзуларига бағишланган. Бу асарларнинг биринчисда математика ва астронмия фани. Иккинчисда мусика ва учинчисда касални операция жараёни қилиш акс этган. Уларнинг уччаласида ҳам устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатлар баён этилади. Энди бу уч асарни мустақил кузатиш орқали уларнинг мазмунини алоҳида-алоҳида сўзлаб беринг. Бунда ўз эътиборингизни сувратлардаги мазмун. Ундаги кишилар, уларнинг ўзаро мулоқат, тасвирланган нарсалар ва уларнинг тасвирланиш сабаблари, тасвирланган воқеа ва кўринишларни қайси даврларга хослиги, воқеа содир бўлаётган жой, йилнинг фасли ва куннинг вақтига қаратинг.

Шунингдек, асарлар композицияси, унинг ифодалилиқ воситалари, ундаги тасвирларнинг ўлчовлари, ўлчов нисбатлари, ёруғ соя, ёруғ соя нисбатлари, рассом маҳорати ҳақида ўйланг.

Тасвирий санъатда кейинги йилларга кенг тарқалган йўналишлардан бири формализм оқими ҳисобланади. Бу оқимда мазмунга қараганда шакл (форма) устивор ҳисобланади. Бу оқимда ягона энг қимматли бадиий элемент сифатида шакл тан олинади. XX аср бошларида Европада пайдо бўлган бу оқимнинг тараққиёти натижасида футуризм, экспрессионизм, киби́зм, абстракционизм каби йўналишлар пайдо бўлди.(30)

Абстракционизм-лотинча «мавҳум» деган маънони англатади. Абстракционизм XX асрда пайдо бўлиб, унинг вакиллари дастгоҳли рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графикада нарсалар ва ҳодисаларни реал тасвирлашдан воз кечдилар. Бу санъат бадиий ижодий ҳаётни билишдаги

аҳамиятини инкор этади. У 1910 йилда пайдо бўлиб, жамоатчилик дидларига қарши алоҳида шахсларнинг санъатга муносабатларини билдиради. Бу санъат турида маъно равишда, айрим доғ, ҳажм, чизиқларни тартибсиз ҳаракати тасвирланади.(22)

Классицизм – латинча сўз бўлиб, “Намунавий” деган маънони билдиради ва у ХУІІ-ХІХ аср бошларида Францияда шаклланди. Улар ўз ижодлари учун қадимги дунё маданияти ва санъатини ўзлари учун намуна қилиб олдилар.

Тасвирий санъат мазмуни мантикий ривожланиб бориши, композицияда мувозанатни аниқ ифодаланиш, зих чизиқни умумлашган равон бўлиши, ҳажмни аниқ андоза асосида ифодалаш талаб этилади. Ранг эса ғояни ифодалашда ёрдамчи вазифани бажариши лозим эди. Бу оқим вакилларида Н.Пуссен, К.Лоррен, А.Менчс, А.Лосенко кабиларни кўрсатиш мумкин.

Символизм- ХІХ аср бошлари-ХХ асрда шаклланган Европа ва Америка санъатидаги йўналишдир. Бу йўналишдаги рассомлар ижодининг асосини символли-образ ташкил этади. Бу символлар турли маънони билдириб, асрда яширинган ҳолда ифодаланади. Айниқса дунёни бошқараётган сирли ғайритабиий мистик кунлар асарда асосий ўринни эгаллайди. Бу йўналиш тасвирий санъатда 1860-1880 йилларда Франция ва Германия рангтасвирида шаклланди. Улар рангтасвирчи Франциялик П.Шаванна ва Германиялик Х.Маре, А.Фейербах эдилар.

Абстракционистларнинг дастлабки вакиллари В.Кандинский (рус), Саймур Ликтон, Дейвид Смит, Жексон Поллока (америкалик), Пьер Сулажа (француз), Карела Аппела (голланд) эдилар.(43)

Бу оқимдаги асарлардан бири 1988 йилда яратилган бўлиб, у А.Райтбурднинг “Авлиё Антонининг васвасаси” деб номланади. Суратдаги тушуниб бўладиган ва тушуниб бўлмайдиган шакл, ранг, кўриниш ва воқеаларни аниқланг. Сурат сизда қандай таассурот қолдирганини билдиринг.

Абстракционизмни оқидада фақат рассомлар эмас, ҳайкалтарошлар ҳам фаолият кўрсатадилар. Бу борада О. Цадкиннинг “Композиция” деб номланган асари диққатга сазовордир.

Натюрморт, портрет, тарихий ва маиший жанрлар каби тасвирий санъатнинг ўзига хос мустақил жанридир. “Натюрморт” (Nature morte) аслида франсузча сўз бўлиб, “жонсиз табиат” деган маънони англатади.

Натюрморт кўпинча турмушда зарур бўлган турли буюмлар, меҳнат куроллари, сабзавот ва мевалар, гуллар, парранда ва майда ҳайвонлар тасвирланади яни натюрмор санъатида инсоннинг маиший ҳаёти акс эттирилади. (19.10)

Натюрморт кўпинча чуқур фалсафий маънога эга бўлади. Натюрмортлар намуналари азалдан маълум, одамлар тасвирлаш борасидаги дастлабки малакаларни табиатни бевосита кузатиш ва уни таҳлил қилиш йўли орқали жамлаганлар. Тасвирлашга ўргатиш плеистолит даврида ҳам ривожланмаган эди. Фақатгина кейинчалик неолит даврига келиб деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг бошланғич босқичида инсоннинг меҳнат қилиши натижасидагина санъатга бўлган қизиқиш янада ривожлана борди.

Мисрликлардан фарқли ўлароқ Қадимги Юнон рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш борасида таълим тарбияга ўзгача ёндошиб, уни тубдан бойитдилар. Улар ёш рассомларни кўпроқ табиатни, натурани ўрганишга ва унинг ажралмас бўлакларидан бири бўлган инсон гўзаллигини юксак даражада тасвирлашга чақирганлар. Тасвирий, Эвпомп, Памфил, Аппелекс ва б.қ. рассомлар ўзларининг назарий асарларида дунёдаги барча нарса ва буюмлар симметрик, гармоник ҳамда математик жиҳатдан ўлчамларга эга эканлиги ҳақида ёзадилар.

Дастлабки натюрмортлар Қадимги Юнонистонда ишланган мозаикаларда учратиш мумкин. Хитой санъатида эга мустақил жанр шаклида ривожланганлиги кузатилади.

Ўрта асрларга келиб, натюрморт жанри батамом инқирозга учради. Чунки бу давр рассоми на буюмни текисликда ҳаққоний тасвирлаш қоидаларини ва на тасвирлашни Юнон рассомлари томонидан ишлаб чиқилган асосий принципларни тўлиқ билмас эди. Рухонийлар буюк Юнон рассом-педагоклари томонидан ишлаб чиқилган ўқитишни назарий асосларини ёқ қилдилар.

Уйғониш даври натюрмортнинг ривожланишида янги даврни очди. Расм чизиш назарияси соҳасида рассомлар янгича методларни ишлаб чиқа бошладилар . Тасвирий санъат, хусусан натюрмортни тасвирлашда буюмларни бажаришнинг янги методлари бўйича Ченнини, Альберт, Леонардо да Винчи, Дюрер каби кўплаб буюк санъаткорлар шуғуллана бошладилар.

Ченнини Ченнино “Рангтасвир қонуниятлари” номли асарида натюрмортишлар методларига катта эътибор бериб, унинг заминида нарсанинг ўзига қарабтасвирлаш машқлари етарли деб ёзган эди. Унинг тақидлашича юксак маҳоратга эга бўлиш учун шогирд ҳар куни бир неча соат натюрморт чизиши керак.

Флоренциялик меъмор-Леон Ватиста Алберти ҳам нарсанинг ўзига қараб расм ишлаш ва уни ўқитиш методларига катта эътибор беради. Хусусан унинг “Рангтасвир тўғрисида уч китоб” номли машҳур асарлар тўпламида ёзишича, ранглар билан ишлашни ўрганишдан зарурлигини айтади. Унинг ушбу асари 500 йил аввал ёзилганлигига қарамасдан қонуниятлари, ҳулосалари, ҳозирг замон академик расм чизиш методларига тўла-тўқис мос келади. Альберти нарсанинг ўзига қараб расм ишлашга жиддий илмий фан сифатида қарар эди.

Европада натюрморт 16 асрнинг охирларига келиб мустақил жанр сифатида шаклланди. 18 асрда Франция тасвирий санъатида енг тарқалди. Бундай суръатларни “Сокин ҳаёт”, “ Буюклар ҳаёти”, “Турмуш ранг тасвири” каби номлар билан аташди. (10. 15)

. Нарсаларнинг ўзига қараб расм ишлашнинг педагогик амалиётда ўқитишнинг тизими дастлаб Флоренциядаги “Қаламтасвир академиясида” ишлаб чиқилди. Ака-ука Каррачилар томонидан ташкил этилган Болониядаги ёш мусаввирларга қуйидагиусулда сабоқ берганлар. Дастлаб қаламтасвир чизиш методлари, конун-қоидалари билан танишган, сўнгра гипс намуналарини тасвирланган, шундан кейин нарсанинг ўзига қараб расмини солган.

Натюрморт мустақил жанр бўлиши билан бирга мавзули суръатлардаги асарларнинг асарлар мазмунини очиб беришда кўмаклашувчи, уни тўлдирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Кўпгина оддий буюмлар тилга кири, сурат мазмунини китоб саҳифаси каби осонгина ўқилишига воқеа қачон қаерда содир бўлаётганлигини билиб олишгаёрма беради.

Кўйилган натюрмортни асосий ғоясини сурат текислигида тасвирлаб бериш учун яъни натура билан тасвир ўртасида ўхшашликка эришиш учун тасвирий санъатнинг ифода воситалари бўлган композитция, перспектива, ёруғ-соя ва рангшунослик назарияларини пухта билиш уларни амалда қўллай олиш талаб қилинади. Алоҳида нарсаларни ўзига қараб, тасвирлаш вақтида билим ва кўникмалар ҳосил қилади. Лекин натюрморт ишлашда вазифалар анча мураккаблашади. Бу жанрлар рассомлардан Ж. Шарден, ф. Снайдер, И. Машков, П. Кончаловский, Ш. Хасанов, А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, М. Набиев, Л. Салимжоновлар ҳамда бошқаларнинг ижодий ишларини, натюрморт тасвирлаш юзасидан педагогик методик ўқув қўлланмалари ҳамда ўзларининг иш тажрибалари билан ёшларимизни тасвирий санъат таълимига бўлган интилиши яна ҳам илҳомлантириш ҳиссиёти билан суғорди.

Эндиликда мустақил Республикамизда амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

II-БОБ. ЎҚУВЧИЛАРНИ КУБИЗМ УСЛУБИДА НАТЮРМОРТ ИШЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ АМАЛИЙ ВА ПЕДАГОГИК ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

2.1 Ўқувчиларга кубизм услубида натюрморт ишлашни ўргатиш машғулоти мазмуни

“Ўқувчининг ўзи қалам ва бўёқлар билан расм ишлаш кўникмаларига эга бўлиши билан бирга, бу соҳадаги билимларини ўқувчиларга ҳам етказа

олиши зарур, шу сабабли ушбу битирув малакавий ишимизга натюрморт ҳақидаги назарий маълумотлар ва амалий машқлар киритилади.

Натюрмот ишлаш айниқса, тасвирий санъатнинг илмий негизини ташкил этадиган перспектива, рангшунослик, ёруғ-сояларни ўрганиш учун кенг имкониятлар яратади. Расм ишлаш сирларини мустақил ўрганувчилар учун ҳам жуда қулайдир. Бўлажак рассом натюрморт чизишни яхши ўзлаштирганлиги жуда зарурдир. Бинобарин, реалистик тасвир снъатида қаламтасвир асосий ўринларидан бирини эгаллайди.

Кубизм услубида натюрморт” мавзусида натюрморт ишлаш ўқувчиларнинг бадиий дидини ўстиришда муҳим рўл ўйнайди. Шунинг учун мактабдан ташқари дарсларда натурага қараб тасвирлаш машғулоти мактаб дарсларида ўз ўрнини олган.

Ўқувчининг ўзи қалам ва бўёқлар билан расм ишлаш кўникмаларига эга бўлиши билан бирга, бу соҳадаги билимларини ўқувчиларга ҳам етказа олиши зарур, шу сабабли ушбу битирув малакавий ишимизга натюрморт ҳақидаги назарий маълумотлар ва амалий машқлар киритилади.

Кубизм санъати тарихи олдинги бобларда баён этиб ўтилгандай Европа, Америка, Россия ва Ўзбекистон санъат тарихида мавжуддир. Лекин кубизм санъатининг асоси Европага бориб тақалади. Шу сабабли кубизм санъати XIX аср охири XX асрда ривож топгани учун бу курснинг ўқитилиши мактаб тасвирий санъат дастурига киритилган. Мактаб ўқув дастурида:

1-мавзу. Санъатда оқим ва йўналишлар. 2-мавзу. Импрессионистик рангтасвир. 3-мавзу. Кубизм услубида натюрморт ишлаш. 4-мавзу. Кубизмист рассомлар, уларнинг ҳаёти ва ижоди. Ушбу мавзулар бўйича мактаб таълим дастурида қўшимча неоимпрессионизм, фовизм, кубизм, постимпрессионизм каби йўналишлар ҳам ўқитилади. Бундай мавзуларнинг ишлаб чиқилиши ўқувчининг билим савиясини янада чуқурлаштиради.

Европада кубизм санъатининг шаклланиши алоҳида аҳамият касб этади. Кубизм санъати реализмдан кейин кескин кириб келиши, европа бу

санъатни модернизм деб номланиши ва унинг тузилмасига бир неча янги оқим ва йўналишларнинг пайдо бўлишига эътибор берилади. Кубизм санъати тарихида Ғарбий Европа мамлакатларининг тарихий ривожига умумий таъриф берилади.

Ғарбий Европа мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусиятлари ва уларнинг кубизм санъатига бўлган таъсири. Давлат бадиий ҳаётида тасвирий санъатнинг етакчи ўринни эгаллайди. Франция санъати Францияда реалистик мактаб билан кубизм санъати шаклланиши. Барбизон мактаби.

санъатдаги мураккаб, қарама-қарши томонлари, ўзига хослиги.

Кубизм. Кубизм оқимининг келиб чиқиши. Кубизм билан фовизмнинг боғлиқлиги. Кубизм оқимида Пабло Пикассо ва Жорж Брак ижоди. Ж.Бракнинг ўзига хос ҳислатлари. Ж.Бракнинг кубизм оқимидаги манзаралари. Аналитик кубизмдан синтетик кубизмга ўтиш даври. Коллаж санъати келиб чиқиши. Кубизм билан коллажнинг боғлиқлиги.

П.Пикассо ижодида ўзига хос ҳислатлари. Пикассо ижодида аёллар образи. “Авиньонлик қиз” (1907), “Елпиғичли хоним” (1909) асари таҳлили. Пикассо асарларида бир неча услубларнинг уйғунлиги.

“Ниқобдаги учта муסיқачи” (1921) асарининг ютуқлари.

Кубизмнинг ривожланиши ва унинг фалсафаси. Кубизмда ижод қилган бошқа рассомлар ижодларидан намуналар.

Импрессионизм оқими. Клод Моне, Камиля Писарро, Альфред Сислей, Ренуар, Эдгар Дега ижодлари ва асарларидан намуналар. Постимпрессионизм оқими. Реализмга чек қўйилиб, кубизмнинг шиддат билан ривожланиши. Ван Гог, Поль Сезанн, Роден Огюст ижодлари. **Постимпрессионизм** санъатидаги “неоимпрессионизм” ёки “дивизионизм” йўналишлари ва унинг асосчилари Жорж Сёра ва Поль Синьяк ижоди. Уларнинг ўзига хослиги, асарлар таҳлили берилади.

Фовизм оқими. Унинг кириб келиши ва ривожланиши. Унинг машҳур намоёнлари Анри Матисс ҳаёти ва ижоди. Унинг асарларининг ўзига

хослиги, фовистларнинг ички дунёси. Асарлардаги ғоя, мавзу ва рангларнинг аҳамияти.

Матисс ижодида илк, ўрта ва сўнгги даврлар орасидаги фарқлар ва уларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқлиги. “Деразадан кўриниши”, “Танжер” (1912), “Қизил балиқ” (1911), “Ракс”, “Мусиқа” асарларининг яратилиши. Матисснинг тасвирлаш усуллари. Европа санъати ривожланишида Матисснинг ўрни.

Экспрессионизм оқими. Экспрессионизм сўзининг келиб чиқиши ва тасвирий санъатга бўлган таъсири. Экспрессионистлар рассомлар ижодидан намуналар. Джеймс Энсор (1860-1949), Эдвард Мунк (1863-1944), Фернанд Ходлер (1853-1918), ҳаёти, ижодлари ва ижодларида кубизм санъати таъсири. Экспрессионизм билан реализмнинг бир-бири билан боғлиқлиги. “Мост” рассомлар уюшмаси ва ижодкорлари. “Кўк чавандоз” рассомлар уюшмаси ва унинг аъзолари. Биринчи жаҳон уруши ва урушдан кейин экспрессионистлар тақдири. Экспрессионизм оқимидаги ҳайкалтарошлик санъати ва унинг ижодкорлари Эрист Барлах (1870-1938) ва Вилгельм Лембук (1881-1919) ижодларидан намуналар. Экспрессионизмдаги ғоя ва мавзулар ва

Футуризм. Футуризм сўзи келиб чиқиши ва санъатга таъсири. Футуризмдаги динамик услубнинг ривожланиши. Умберто Баччони ижоди. Футуризм дастури. Дивизионизм услубининг футуризмда қўлланилиши. Футуризмнинг бадий тажрибаси. Джино Северини ижоди ва унинг асарларидаги ҳаракатнинг тасвирланиши.

Футуристлар кўргазмаси ва эришган ютуқлари. Бу оқим ҳақидаги назарий фикрлар. Футуризмнинг ривожланиши.

Абстракционизм. Абстракционизм оқимининг тасвирий дунёдан тарк этиши. Абстракционизм санъати ёрқин намоёндалари – В.Поллак, А.Горки, С.Френсис ижодлари ва асарлари таҳлили. Абстракт санъатидаги учта гуруҳнинг ривожланиши. В.Поллакнинг бадий услуби.

В.Кандинский, П.Мондриан, К.Малевич ижодларидан намуналар. Суприматизм, аранформель, нюажизм услублари. Геометрик абстракция,

лирик абстракция, жистикуюляцион абстракция, аналитик абстракция ва суприматизм 50-60 йилларда абстракция санъат ва кўргазмаларда намоёниши. Англия ва АҚШда бу оқимнинг бир вақтда ривожланиши. Абстрактик санъат бошқа оқимлар билан алоқадорлиги. Абстрактик билан музиканинг боғлиқлиги.

Дадаизм. Дадаизм ижодкорларининг Берлин, Кёльн, Ганновердаги гуруҳлари. Дадаизм сўзининг ҳар бир давлатда ўзига хос маънода ишланиши. Дадаизмнинг бадиий услуби. Унинг намоёндалари Арп, Дюшан, Ман Рэй, Пикабия, Хаусман, Швиттерс ижодларидан намуналар кўрсатиш. Берлин мактабининг санъат сиёсий томонлама ёндашиши. Дадаистларнинг тантанали кўргазмалари хусусида. Бу йўналишнинг адабиётга, фотосуратга ва ҳайкалтарошликка бўлган таъсири. Дадаистларнинг ақлга сиғмас композициялари, коллажлар, “аэрограмма”, “реограмма” усуллари тўғрисида.

Сюрреализм. Сюрреализм билан сюрреализмнинг алоқалари. Сюрреализмнинг эстетик концепцияси, унинг фалсафий ички дунёси. Сюрреализмнинг назарийчилари, Л.Араган, П.Элюара, Р.Десное, А.Артолар бўлиб, рангтасвирчилари 2-жаҳон урушидан сўнг Ф.Пикабия, И.Танги, С.Дали, Р.Магритлар ижод қилишган. Сюрреализм назариясидаги ягона фикрлар. 20-йиллардаги сюрреализмнинг кенг тарқалиши. Сюрреализмда Сальвадор Дали ижоди. Далининг бадиий воситалари. Сюрреализм дунёси. Далининг “Фуқаролар урушини ҳис этиш” (1936), “Авиоаннанинг хочга қоқилиши” (1951), “Кузги тинтув” (1936) асарларининг яратилиш тарихи. Дали асарларида сюрреалистик образлар, ундаги даҳшатлик, кўркув ҳисларининг тасвирланиши. Дали асарларининг Европада кенг тарқалиши. Рассом асарларида ғоя, мавзу ва композиция усуллариининг қўлланилиши.

Уруш ва 2-жаҳон урушидан сўнг сюрреализм санъат ҳайкалтарошликда сюрреализм. Сюрреалистик усул: деколлаж, буллетизм, дриппинг қўлланилиши.

Поп-арт. Бу терминнинг пайдо бўлиши. Англия ва АҚШда ривожланиши. Поп-артнинг турлари: хэппенинг, флюксус, “янги реализм”,

“соц-арт”, “энвайронмент”, объект санъатга киради. Поп-артнинг нарсабуюмлардан ясалган санъат асари. Поп-артда абстрактизм ва сюрреализм принципларининг мавжудлиги. Ёрқин намоёндалари – Р.Раушенберг, Д.Джонс, Р.Розенквист, Э.Уерхол (АҚШ), Л.Эллоуэй, Р.Гамильтон, Э.Паолоцци, П. Блей (Англия), В.Янкелевский, И.Кабаков иждоари ва асарларидан намуналар. Раушенбергнинг “Комбинация”, “Подеран Апполону” (1959), “Вақт асари” (1961) асарларининг яратилиши. Джонснинг “Кулранг саналар”, “кофедан қолган идишлар”, “учта байроқ” (1947) асарларининг яратилиши ва мазмуни жиҳатидан таҳлили. Поп-артнинг сўнгги даври.

Оп-арт оптик санъатнинг келиб чиқиши. Оп – артнинг ўзига хос хислати В.Вазарелли иждо ва бадий воситалари. Оп-артнинг ўзга дунёси, томошабиннинг қабул қилиши. (Оп-артда ранг ва шаклларнинг танлаб олиниши ва томошабин кўзи назарида уларнинг ҳаракатланиши). Оп-артнинг бир неча гуруҳларга бўлиниб, намоён бўлиши: “Падуя” гуруҳи, “Милан”, “Зеро”, “57”, “Аноним” гуруҳларидан иборат.

Кинетик санъат. Бу санъатнинг келиб чиқиши. Ҳаққоний ва кўз олдида ҳаракатланувчан асар яратиш. А.Колдер яратган кинетик санъат. Унинг асарларидаги ўзгача техника. Энг мураккаб кинетик асар яратувчи Ж.Тингел яратмалари. Кинетик асарда ёруғлик, матор орқали ҳаракатланувчан конструкция яратиш. Ж.Тингелнинг “Мўъжиза машинаси” асарининг яратилиб, набуд бўлиши. Кўрғазмаларда кинетик асарларнинг қўлланилиши.

Ишчи дастур ва тузилма режа

Кубизм санъати. Ғарбий Европа санъат тарихи. XIX-XX асрлар фанидан ўқувчиларига III-IV–чоракларида мустақил ўқитилса мақсад мувофиқ бўлар эди. Ҳар бир мавзуга бир соатдан ажратилади. Ушбу санъатнинг ишчи ва тузилма режаси тадқиқотчи томонидан тузилган бўлиб, қуйидагича берилди:

7-синфнинг III чоракига мустақил 12 соат ажратиб, 7 соат маъруза, 5 соат амалий машғулот қилиб берилган.

1. Кубизм санъатига умумий таъриф.
2. Ғарбий Европа кубизм санъати шаклланиши.
3. Импрессионизм оқими.
4. К. Моне, К.Писарро ижодлари.
5. А.Сислей, Дега ижодлари.
6. Пост импрессионизм оқими.
7. Ван Гог, Поль Гоген, Тулуз-Лотрек.
8. Поль Сезанн, Роден Огюст ижодлари.
9. Неоимпрессионизм ва дивизионизм. Сера ва Синьяк ижодлари.
- 10.Фовизм оқими.
- 11.Анри Матисс ҳаёти ва ижоди.
- 12.Анри Матисс асарларининг яратилиши.

IV- чорагига мустақил 12 соат ажратилиб, 6 соат маъруза, 6 соат амалий машғулоти қилиб берилган.

1. Экспрессионизм оқими.
2. Эдвард Мунк, Фернандо Ходлер ижодлари.
3. 1-жаҳон урушидан сўнг экспрессионизм. Эрих Барлак, Вильхелм Лембук ижодлари.
4. Кубизм оқими. П.Пикассо ижоди.
5. Ж.Бракнинг ўзига хос ижоди.
6. Футуризм оқими.Умберто Баччони ижоди.
7. Джинно Серверини ижоди.
8. Абстракционизм. В.Поллак ижоди.
9. В.Кандинский, К.Малевич, П.Мондриан ижодлари.
- 10.Дадаизм оқими. Арп, Дюшан ва бошқа рассомлар ижодларидан
- 11.Сюрреализм. С.Дали ва Б. Жалолов ижоди.
- 12.Поп-арт, Оп-арт, Кинетик санъат.

Кўриб турганимиздек «Кубизм санъати» жуда катта санъат саналади. Биз томондан шу санъат ўзбек тилида ёритиб берилишга ҳаракат қилинди, мазкур курснинг фан дастури ва ишчи тузилма режаси тузиб чиқилди.

*Янги педагогик технологиялар ёрдамида кубизм санъатини ўқитилиши
самарадорлигини ошириши йўллари.*

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кукдан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи-ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эшитишга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи ўқувчи асосий фигурага айланади.

Шунинг учун ўрта махсус ўқув юртлари тасвирий санъат факультетларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари, интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Педагогик технология ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив, методлар ўқувчи - ўқувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

ИННОВАЦИЯ (инглизча *inoveishon*) - янгилик киритиш, янгиликдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён, ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар-бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу

методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи-ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга куйидагилар киради:

- ўқувчи-ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши; ўқувчи-ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши; ўқувчи - ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши; педагог ва ўқувчи-ўқувчининг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкилланиши.

Педагогик технологиялар масалалари, муаммоларини ўрганаётган ўқитувчилар, илмий-тадқиқотчилар, амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология - бу фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўланиши зарур бўлган ТСО, компьютер, масофали ўқиш, ёки турли хил техникалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи - бу ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўқувчи - ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча ана шу ўқитилиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, педагогик технология – бу яқка тартибдаги жараён бўлиб, ўқувчи – ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиқан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган олдиндан лойхалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчининг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томонинг асосий мақсади аниқ: натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчи-ўқувчиларининг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун балким, компьютер билан ишлаш лозимдир, балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчи-ўқувчига боғлиқ. Шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, ТСОни, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли қафолатланган натижага эришиш мумкин, қисқа килиб айтганда, ўқувчи-ўқувчини таълимнинг марказига олиб чиқиш керак. Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчига у томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчи-ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп методлар. Усулларни билиши керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ

Дарснинг технологик картасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик карта қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва

кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик картани тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай картада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

2.2. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва унинг натижаларини таҳлили.

Натюрморт тузиш муҳим ва масъулиятли иш. Мазмунли қўйилган натюрмортда ортиқча нарсалар бўлмайди., уни олди ёки ён томонидан

кузатганда ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Натюрморт композицияси устида ишлаш талабаларда ижодий қобилиятни ривожлантириш билан бирга ўқитувчининг фаоллигини шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида амалга оширилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тажриба синов ишларини, тасвирий санъат машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишнинг самарадорлигини таъминловчи педагогик шарт-шароитларни яратишни, самарали усулларини қўллаш жараёнида ўқувчилар билим даражасини аниқлашни натюрморт жанрида билимларни ривожлантириш асосда ташкил этиш йўли билан ўрганиб чиқади.

Тажриба синов ишлари қуйидаги уч босқичда амалга оширилади.

-Изланувчан тажриба босқичи.

-Таъкидловчи тажриба босқичи.

- Шакллантиручи тажриба босқичи.

Тажриба синов ишлари, А. Сулаймонов, Р. Хасанов, Х. Эгамов, С. Булатов ва бошқалар илмий ишларидан келтирилган услубий тавсиялардан келиб чиқиб, Д.Т.С ҳамда таълим стандартларига мос равишда олиб борилди. (27.11)

Мактабдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга натюрморт жанрини ўргатишнинг самарали усулларини қўллаш тажриба синов ишларини олиб бориш ва унинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ва бир-бирини тўлдирувчи мажмуасини қўлладик.

Мактабларининг тасвирий санъат дарслари мазмунидан келиб чиқиб, кубизм санъатдан кўرғазмали қуроллар, дидактик материаллар билан ишлаш, махсус методикаси тайёрланиб, амалда қўлланилиб кўрилди.

Кубизм санъати машғулотларида ўқувчилар учун кўрғазмали қуроллар ва дидактик материаллар тайёрланди. (44,45) Бунда тажриба-синов машғулотлари учун кўрғазмали қуроллар тайёрлаш ва танлашда уларнинг қуйидагича талаблари қўйилади:

1. Машғулотнинг мақсад ва вазифаларига мослиги.
2. Кўргазманинг аниқлиги, тушунарли бўлиши.
3. Репродукциянинг сифатли бўлиши.
4. Эстетик талабларга мослиги.

Тарқатма ва дидактик материаллар ўқувчилар учун ҳар бир мавзуга мос равишда танланиб олдиндан тайёрлаб қўйилди.

Ўқувчиларга самарали усуллари асосида дарс ўтаётганда ўқувчиларга берилган топшириқларни уларнинг майиллари ва қизиқишларига қараб мураккаблаштириш мумкин. Бу ишлар албатта тасвирий санъат ўқитувчисидан ижодий изланишни талаб этади. Машғулот жараёнида гуруҳ ичида ўқувчилар ўртасида топшириқни бажаришда ўзаро бир-бири билан фикр алмашиш, ягона фикрга келиш ва уни шарҳлаб бериш, бир-бирларининг фикрларини ҳурмат қилишга ўргатишга ёрдам беради. Дарс жараёнида ҳар-бир ўқувчи билдирган фикрлари, амалий ишлари ўқитувчи томонидан инобатга олиниб, қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилади.

Тажриба-синов ишимизнинг изланувчан ва таъкидловчи босқичларида ўқитувчи ўқувчиларни билим ва малакаларини баҳолашда п.ф.д., проф, Р.Ҳасановнинг баҳолаш мезонлари қўлланилди(44). Тасвирий санъатнинг санъатшунослик асослари бўйча алоҳида баҳо мезонлари ишлаб чиқилди:

Санъатшунослик асослари

- асарнинг қайси йўналиш ва оқимга мансублиги;
- асарнинг номи, муалифи, яратилган йили;
- асарнинг мазмуни;
- асарнинг композицияси;
- асарнинг тасвирий саводхонлик даражаси;
- асар сақланаётган жой, унинг яратилишида рассомнинг қўллаган тасвирий техникаси.

Назорат гуруҳларида эса тасвирий санъат тарихи дарслари анъанавий усулда олиб борилади.

Тажриба-синов ишларининг учунчи босқичи, шакллантирувчи босқичида иш натижалари таҳлил қилинди ва яқунланди.

Куйида биз, «Пабло Пикассо-кубист рассоми» мавзуси бўйича ўтказиладиган дарснинг олдиндан лойиҳалаштирилган дарс ишланмасини мисол тариқасида сизга хавола қиламиз.

Дарснинг мавзуси: Пабло Пикоссо-кубист рассом.

Дарснинг вазифалари: Ўқувчиларни Пабло Пикассо ҳаёти ва ижоди билан таништириш, кубизм санъат асарларини идрок этишга ўргатиш. Санъатга нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Дарснинг жихозланиши: Муаллиф Э.Дега томонидан ишланган “Пабло Пикассо портрети”. Пабло Пикассонинг “Шар устидаги қиз”, “Кабутар”, “Париж кўчалари” асарлари нусхалари.

Дарснинг мазмуни. Ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилгач, доскага исми-шарифи Э.Дега томонидан ишланган “ Пабло Пикассо ” тасвирини, илиб кўяди. Бу суратларни кимлар кўрганлиги, унинг муаллифилари ҳақида гапириб, Пабло Пикассо ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот боришга киришади.

Суратда қандай воқеа тасвирланган? Уни қандай билиш мумкин? Мусаввир сурат орқали нима демоқчи? Сурат композиция ва ранглари ҳақида қандай фикрдасиз? Суратни яна қандай номлаш мумкин?

Шу тартибда ҳар бир сурат таҳлил қилинади. Сўнгра болалар жавобларини ўқитувчи умумлаштиради, камчиликларини тўлдиради, хатоларини тузатади.

Рассом П.Пикассо 1881 йилда Испаниянинг Малага шаҳрида таваллуд топган, ва 1973 йилда Франциянинг Мужен шаҳрида вафот этган. У асосий Францияда ижод қилган.. Рассом ўз ижодини кўпроқ оддий халқ ҳаёти билан боғлади. Унинг асарларида кўчманчи цирк актерлари, тиламчилар, ўз ифодасини топди. “Қари тиламчи ўғил бола билан”, “Абсентни яхши кўрадиган аёл”, ана шундай асарлар қаторига “Кўчманчи гимнастлар”, “Шар устидаги қизча” кабилар киради.

Пикассонинг “Она ва бола” сувратида (1922) оналикка бағишланган асари ҳам бахт ва қувонч, ғояларидан узоқ бўлиб, унда она ўз боласига тақдирга бўлган ташвишларини акс этдиради. У ўз ижоди давомида тасвирий санъатда янги материал ва техникани қўллаш, янги шакл ва услублардан фойдаланиш, турли стил ва оқимларда асарлар яратишга ҳаракат қилди.

Уни бу изланишлари натижасида Франция тасвирий санъатида кубизм оқими пайдо бўлди. Унинг етачи ва асосчиси Пикассонинг ўзи эди.

Кубизм намоёндаларининг фикрларига кўра ҳар қандай нарсалар шакли асосида геометрик шакллар-куб, конус, пирамида, призма, цилиндр, шар ва бошқалар шакли етадики, расм ишлашда улардан фойдаланиш лозим, деб ҳисобланадилар.

Пикассонинг Айниқса, унинг “Аналитик”, “Синтетик”, “декоратив” деб номланган, кубизм оқимидан асарларида уларга алоқаси бўлмаган материаллар (қоғоз, кум, ёғоч в.б.) қўллаай бошлади. Натижада унинг бу ҳаракатлари янги изланишларга олиб келди ва унинг санъати мураккаб, айрим ҳолларда ниҳоятда қарама-қарши мазмун касб этди..

Пикассонинг ижодига сюрреализмни таъсири кучли бўлсада, у борлиқ гўзалликларини улардаги гармонияни акс эттирувчи реализмоқимида портретлар ва композициялар ҳам яратди.

Ижодкор ижодида унинг энг машҳур асарларидан бири 1937 йилда яратилган “Герника” асари бўлиб, унда рассом мураккаб метофорик шаклида немис-фашист авиацияси томонидан кичик бир шаҳарчани ваҳшийларча бомбардимон қилиниши тасвирланган. Бу асари билан рассом фашизмга нисбатан ўзининг норозилигини билдиради уни характерларини кескин қоралайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда рассомнинг изланувчанлик фаолияти ўсиб боради. Энди у рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик билан бир қаторда кулолчилик билан ҳам шуғуллана бошлайди. Унинг тинчлик ва демократия борасидаги қарашлари кучайиб бу

борада тинчлик куши-кабутарлар тасвирланган плакатлар ва расмлар яратади. Одамзодга қарши вахшийларча уруш ҳаракатларини қоралаб чиқади. Нақтижада “Куриядаги қонли қирғин”, “Тинчлик”, “Уруш” каби асарларини яратади.

Рассом ўз ижодида нафақат рассом балки илғор ва прогрессив иделлар учун курашчи сифатида ҳам жонбозлик кўрсатди.

Унинг бу ҳаракатлари 1950 йилда халқаро, тинчлик мукофоти лауреати билан тақдирланишига олиб келди. 1962 йилда эса “Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш” номли халқаро мукофотга сазовор бўлди.

Буюк испан кубист-рассоми Пабло Пикассонинг тўлиқ исми-Пабло Диего Хосе Франсиско де Паула Хуан Непомусено де лос Ремедиос Криспин Киприано де ла Сантисима Тринидад Руис-и-Пикассо. У профессионал рассомлар орасида энг сермахсул ижодкор ҳисобланади. Бу мусаввир 75 йиллик ижоди фаолияти давомида 13.500 та суврат ва картина, 100.000 та гравюра ва литография, турли китоблар учун 34.000 та безакли расм ҳамда 300 та ҳайкал ва керамик асарлар яратган. Пикасо қаламига оид барча асарларининг умумий қиймати 788 млн. АҚШ доллариға тенг деб баҳоланган. 1997 йилга келиб Пикассонинг ижод маҳсуллари 3579 маротаба кимошди савдолариға қўйилган эди.

Дарсда ўрганиладигшан асарлар суҳбат тарзида, слайда ёки репродукция ёрдамида намоиш этилади.

Уйга Пикассонинг асарларидан биронтаси ҳақида иншо ёзиш вазифа қилиб топширилади.

***Дарсинг мавзуси:* Матисс Анри Эмил Бенуа.**

Дарсинг вазифалари: Ўқувчиларни Матисс Анри Эмил Бенуа ҳаёти ва ижоди билан таништириш, кубизм санъат асарларини идрок этишга ўргатиш. Санъатга нисбатан қизиқиш уйғотиш.

Дарсинг жихозланиши: Муаллиф томонидан ишланган “ Матисс Анри - автопортрет ”. Матисс Анри “Қизил хона”, “Рақс”, “Балиқчалар” асарлари нусхалари.

Дарсинг мазмуни. Ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилгач, доскага А.Матисс томонидан ишланган “ Автопортрет ” тасвирини, илиб қўяди. Бу суратларни кимлар кўрганлиги, унинг муаллифилари ҳақида гапириб, А.Матисс ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот боришга киришади.

Суратда қандай воқеа тасвирланган? Уни қандай билиш мумкин? Мусаввир сурат орқали нима демоқчи? Сурат композиция ва ранглари ҳақида қандай фикрдасиз? Суратни яна қандай номлаш мумкин? Шу тартибда ҳар бир сурат таҳлил қилинади. Сўнгра болалар жавобларини ўқитувчи умумлаштиради, камчиликларини тўлдиради, хатоларини тузатади.

Матисс А.Э.Б. машҳур француз рассоми ва ҳайкалтароши 1869 йилда Франциянинг Ле-Кото шаҳрида туғилган ва 1954 йилда вафот этган. XIX-XX асрдаги санъат оқимилардан ҳисобланган фовизмнинг йирик наоёндаси эди. У бадиий таълимни Париждаги Жулиан академиясида, сўнгра безак ва нафис мактабларда 1891-99 йиллар давомида олган. Матисс Шарқ миниатюра рангтасвирига жуда қизиққан, Комолиддин Бехзод ва унинг мактаби намоёндалари ижодини ўрганган.

Матис асарларида Шарқ миниатюра ранг тасвиридаги каби ҳаётга шавқ-завқ бағишлайдиган кўринишлар, мукамал композиция ва локал, ёрқин жозибали ранглар ифода этилади. Унинг “Қизил хона” (1908), “Рақс” “Мусиқа” (1910), “Рассомнинг устахонаси”, “Қизил балиқчалар”(1911), “Мусиқа дарси” (1916-17), “Чиғаноқли натюрморт” (1940) номли асарларида шундай ёндашувлар бор.

Матисс 1906 йилдан кейинги йилларда ҳайкалтарошликда ҳам самарали меҳнат қилди. Унинг “Мавзу ва вариациялар” (1941) номли иши шулар жумласидандир. XX асрнинг ўрталарига келиб рангли қоғозлар билан аппликациялар усулида “Жаз” туркумида (1944-47) бир қатор ишлар яратди.

Матисс француз маърифатпарварлари қаторида дунёда урушга қарши тинчликни сақлаш учун фаол кураш олиб борди.

Дарсда ўрганиладиган асарлар суҳбат тарзида, слайда ёки репродукция ёрдамида намоиш этилади.

Уйга Матисснинг асарларидан биронтаси ҳақида иншо ёзиш вазифа қилиб топширилади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби дарс ишланма унга фани, предметини яхлит ҳолда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишига (бир чрак, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жграёнининг бошланишидан тортиб, эришиладиган натижасига кўра олишига ёрдам беради Айниқса, технологик жараёни ўқувчи-ўқувчининг имконияти, эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишга олиб келади. Бу эса ўқитишнинг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ўқитиш жараёнида ўқувчи-ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар, ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, маъсулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида қўлланма берамиз. Ушбу методик қўлланмада келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглар ўқувчи-ўқувчиларда мантиқий, аклий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлашни шакллантиришга, қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига, ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

Ушбу методик кўлланмадан фойдаланувчилар ўқув жараёнини ташкил этиш учун ҳавола этилган технологик тренингларни худди шу тартибда, ўтказишлари шарт эмас, ҳар қайси ўқитувчи бу тренингларни умумий шаклини олган ҳолда ўзларининг дарс технологияларини яратишлари, берилган тренингларни тўлиқ ёки уларнинг баъзи бир босқичлари, элементларини ишлатишлари мумкин.

Амалиёт тариқасида кубизм санъати бўйича “Тасвирий санъатдаоқим ва йўналишлар” мавзуси бўйича бир соатлик дарс ишланмаси.

Дарс режаси

Мавзу: “Тасвирий санъатдаоқим ва йўналишлар”

Дарс мақсадлари:

1. **Таълимий мақсад.** Ўқувчиларнинг кубизм санъати бўйича билимларини ўстириш.
2. **Тарбиявий мақсад.** Ўқувчиларни кубизм санъатини ўргатиш орқали уларни бадий дидини ўстириш.

Дарс тури: оғзаки баён қилиш, суҳбат-мунозара

Дарс жихози ва манбалар:

1. Техник воситалар – шахсий компьютер ва СТХ дисплей системаси ва мультимедия.
2. Кўргазмали қуроллар – матнлар, Сальвадор Дали “Сон”, Б. Жалолов “Мувозанат”, Т.Тўхтаев ва бошқа сюрреалистларнинг асарларидан репродукциялар.
3. Адабиётлар: Н. Ахмедова “Искусство Центральной Азии хх столетия”, Возрождения Модернизма.

ДАРСНИНГ БОРИШИ

№	Ўқув саволари ва қисқача маълумотлар.	Вақт	
1	Дарс таёргарлиги. <i>Саломлашиш ва давоматни аниқлаш</i>	5	

2	Ўтилганларни такрорлаш.	10	савол- жавоб
	1. Импрессионизм оқими.		
	2. Рассомлар ҳаёти ва ижоди		
	3. Асарлар таҳлили		
3	Янги мавзунини баён қилиш ва мустаҳкамлаш	40	кичик гуруҳларда суҳбат
	1. Сюрреализм ҳақида тушунча		ва
	2. Сальвадор Дали ҳаёти ва “Сон” асарининг таҳлили		жамоада суҳбат
	3. Жан Миро ҳаёти ва асарлари таҳлили		суҳбат
	4. Б.Жалолов ҳаёти ва “Муозанат” асарининг таҳлили.		мунозара
4	Янги тушунчаларни мустаҳкамлаш	10	суҳбат
	Умумий дарс таҳлилини қилиш		
5	Ташкилий маълумот		
	Ўқувчиларни баҳолаш	10	
6	Уйга вазифа	5	
	Сюрреализм санъатида ишланган асарларнинг таҳлили		

Хулоса ва методик тавсиялар

Республикамизнинг буюк келажак сари шахтам қадамлар билан одимлашида кадрларни тайёрлаш, етук ва сифатли мутахассисларни тайёрлаш ишига алоҳида эътибор берилмоқда. “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг амалдаги тадбири деб, биз ўрта таълим мактабларининг жаҳон талаблари асосида такомиллаштирилишини, уларда ёшларнинг билим ва ҳунар ўрганишларига яратилаётган шарт-шароитларини кўришимиз мумкин.

Бу масалада тасвирий санъат ўқитувчиларининг роли бениҳоя каттадир. Жумладан, Республикамизда тасвирий санъат дарсларининг самарадорлигини ошириш бўйича бир неча педагог олимларимиз илмий изланишлар олиб бормоқда ва бу борада озми-кўпми яхши натижалар қўлга киритилмоқда.

Биз тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга кубизм санъатини ўқитилишининг назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Кубизм санъатини ўқитишда ўқувчиларни билим ва эҳтиёжларини қондириш учун уларнинг қобилиятларига, лаёқатларига, қизиқиш ва майлларига, хиссий оламига, шу жумладан, диққат, хотира, тафаккур, ҳаёл жараёнларига эътибор кўрсатиш лозим. Шу мақсадда уларга берилган топшириқлар, улар билан олиб бориладиган ишлар учун махсус тасвирий санъат таълими мазмуни, машғулотлар методикаси ишлаб чиқилиши лозим.
2. Кубизм санъати ўқитилиши муаммоси, умумий ўрта таълимида олиб борилаётган ишлар қониқарли деб бўлмайди, бу муаммо тасвирий санъат ўқитувчилари фаолиятида ўз аксини топмаган, бу ҳолл биз кузатиш олиб борган барча мактабларда кузатилди. Кубизм санъатини ўқитилиш муаммоси, мактабларида педагогик муаммо сифатида қолиб келмоқда.

3. Ўтказган тадқиқотимиз кубизм санъатининг ўқитиш муаммоси педагогик назарияда етарлича тўлиқ ўрганилмаганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ушбу муаммога доир илмий методик тавсиялар, мақолалар, методик қўлланмалар яратилмаган.
4. Кубизм санъатининг ўқитиш самарали методлардан фойдаланишда ўқитувчи замон талабларидан келиб чиқиб, унинг мазмун ва моҳиятини ўрганган ҳолда, ўз педагогик фаолиятида қўллаши, унинг анъанавий таълимдан афзалликларини намоён этади.
5. Кубизм санъатининг ўқитишга доир тажриба-синов ишларини тасвирий санъат дарсларида амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари юзасидан машғулотлар мазмунини, методика ва билимларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.
7. Ўқувчилар онгида шакллантириш учун ўқутув усулларини амалга оширишга ҳизмат қиладиган моддий-техникавий асосни яратиш муҳимдир.
9. Тасвирий санъат дарсларида кубизм санъатининг самарали ўқитиш усулининг қўлланилиши, машғулотларнинг ранг-баранг, қизиқарли тарзда ташкил этилишига олиб келиши билан бирга ўқув материалларининг янада чуқур ўзлаштирилишига ҳам кенг имконият яратади.
10. Кубизм санъатининг ўқитишга доир замонавий усулларини қўллаш юзасидан қатъий дарс структураси мавжуд эмас. Чунки бу ўқитиш усулини ҳар доим бирдек, қўллаб бўлмайди. Шунга қарамайдан машғулотларда умумий принципларига риоя қилинган ҳолда ташкил этиш лозим.

Илмий методик тавсиялар

Мактабларда ҳозирги даврда амалга оширилаётган тасвирий санъат дарсларининг аҳволи аввалги йиллардан бирмунча яхшиланган бўлсада у янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу масалада ўқитувчиларнинг

роли бениҳоя каттадир. Чунки ўқитувчи тасвирий санъат дарсларида кубизм санъатини ўқитишга доир ўқувчиларларга амалга оширишда:

- Ўқувчиларни ўзига хос индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кубизм санъати методикасини ўқитишда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш зарур.
- Таълим мазмунини ўқувчилар онгига сингдириш учун махсус кубизм санъат методикасини амалга оширишга хизмат қиладиган моддий-техникавий асосни яратиш муҳимдир.
- Ўқитувчи томонидан кубизм санъатига хос хусусиятларини чуқур ва атрофлича ўрганиш. Бунда муаммо юзасидан тўпланган педогог-олимларнинг илғор тажрибаларни ўрганиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.
- Ишлаб чиқилган кубизм санъати методикаси билан боғлиқ бўлган махсус кўргазмали ва дидактик материаллар базасини яратиш.

Кубизм санъатини ўқитишда ўқитувчидан тасвирий санъат оламида чоп этилаётган янги рўзномалар ва китобларни мутолаа этиш зарур. Шу билан бирга ўқувчиларлар билан дидактик тарқатма материаллар асосида ишлаш, ижодий ишлар бажариш, китоб ўқиш, нусхалар ишлаш, мунозаралар қилиш, музей ва кўргазмаларга бориш, дарсдан ташқари машғулотлар, тўғараклар ташкил этиш мумкин. Албатта улар аввалдан тайёрланган дастурларга хос ҳолда олиб борилиши керак.

Мактабларда тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларга кубизм санъатини ўқитиш методикаси юзасидан ягона, қатъий сценарий ёки дарс ишланмаси тавсия этиб бўлмайди. У гуруҳдаги ўқувчиларнинг тайёргарлигига қараб турлича бўлиши мумкин. Кубизм санъатини ўқитишда тасвирий санъат машғулотларида ўқитувчилар ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, уй ишлари, ижодий ишларини назорат қилиб бориш. Рассомлар, ҳайкалтарош ва усталар билан учрашувлар ташкил этиш, консультациялар олиб бориш. Музей, кўргазмаларга экскурсиялар ташкил қилиш. Ўқувчиларни кубизм санъатига қизиқишини ўрганиш ва уни

сўндирмаслик. Кубизм санъатни ўқитиш методикасига доир шу кунгача ўзбек тилида ҳеч қандай манбаа чиқарилмаган, биз ҳавола этаётган тадқиқот ишимиз ўқувчи ўқувчилар ёки кубизм санъатига қизиқувчилар учун дастлабки ўзбек тилида ёзилган манбаа бўлиб хизмат қилади.

Фойдалиниланган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: 1998.
2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т.: Шарқ. 1997.
3. Каримов И.К. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: НМИУ. 2011.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
5. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т., 1997.
6. Азимов И. Ўзбекистон нақшу нигорлари Т.;Ғ.Ғулом.1987.256.
7. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат.- Т.: 2003
7. Азимова Б. "Натюрмортларни тузиш ва тасвирлаш методикаси". Тошкент. "Ўқитувчи" 1984 й. 52б.
- 8 Абдуллаев Н. У. «Санъат тарихи». “Ўқитувчи”. Тошкент-1986 йил.
9. Абдиева Д. Soros билан ҳамкорлик-ютуқлар калити ҒҒ «Бошланғич таълим» журнали. 2003. №2.
10. Апухтин. О.К. «Тасвирий санъат асослари». Ўқитувчи наш. Тошкент 1976 й.
11. Барш Л.О. “Наброски и зарисовки”. Москва – 1970 йил.
12. Зайниддинова М. Ўқувчиларнинг мустақил фикр фаолиятини ривожлантириш омиллари ҒҒ «Халқ таълими» журнали. 2004.№1.
- 13 Костерин Н.П. "Учебное рисование". Москва 1983 й.
- 14 Каримов Х. "Ўрол Тансиқбоев ажойиб кишилар ҳаёти". Тошкент 1978 й.
- 15 Мажидов Ж. «Тасвирий санъатда синфдан ташқари ишлар». Тошкент. 1983 й.
- 16 Муаммоли таълимни ташкил қилиш йўллари. Маъруза матни. – Гулистон. 2004.

- 17 Маматкулова Р. Интерфаол усул : баҳс-мунозара FF «Халқ таълими» журнали. 2004.№1. 46-47-б.
- 18 Набиев М. Азизов Б. "Расм чизишни ўргатиш методикаси". Тошкент "Ўқитувчи" 1976 й.
- 19 Набиев М., Б.Азимова «Расм чизишни ўргатиш методикаси». Ўқитувчи . Тошкент. 1976 й.
- 20 Набиев М.. «Рангшунослик ва рангтасвир технологияси». Тошкент. 1995
- 21 Набиев М. “рангшунослик”. “Ўқитувчи”. Тошкент – 1995 йил.
- 22 Ростовцева Н тахрир остида, "Натюрморт" иккинчи нашр. Москва 1974 .
- 23 Раствоцев Н.Н. "Учебный рисунок" Москва 1976 й.
- 24 Рангтасвир ва композициядан методик тасвирлар. Тошкент.1995 й.
- 25 Сайидахмедов Н. Янги педагогик технология моҳияти FF «Халқ таълими» журнали. 1999.№1.
- 26 Сулаймонов А. Художественное образование старшеклассников на занятиях книжной графикой. Автореф.дисс.кан.пед.наук.-М.,1992.
- 26 Толипова Ж. Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари FF «Бошланғич таълим» журнали. 2002.№1. 10-11-б.
- 27 Толипова Ж. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш фаолиятларини
- 28 Тожиев Б. "қаламтасвир асосларини ўрганиш". Тошкент 1994 й.
- 29 Чориев Р. Янги педагогик технологиялар-таълим тарбия сифат ва самарадорлиги омилиFF «Халқ таълими» журнали.2004.№4.
- 30 арохов Е.В. "Композиция". Москва "Просвещение" 1978 й.
- 31 Хасанов Р."Мактабда тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари". Тошкент 1986 й.
- 32 Ҳасанов Р., «Мактаб тасвирий санъат машғулотларини такомиллаштириш йўллари».Тошкент.Ўқитувчи-1986.
- 33 Хасанов Р.,Б.Арипов, А.Исоходжаев. «Тасвирий санъат». Тошкент-1972 йил.

- 34 Хасанов, Р. Мактабда тасвирий санъат ўқитиш методикаси. -Т.; 2004
- 35 Ҳасанов Р. Бошланғич синф дарсларида табақалаштириб ўқитиш Ў.Т.: «Маърифат» газетаси. 2003.
- 36 Ҳасанов Р. Табақалаштирилган таълим муаммо ва ечим Ў.Т.: «Маърифат» газетаси. 2003.
- 37 Ҳусанбоева Қ. Эртақлар ёрдамида мустақил фикрлаш Ў.Т.: «Бошланғич таълим» журнали. 2000. №5. 32-33-б.
- 38 Худоёрова О. Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатдан дарс самарадорлигини оширишнинг баъзи масалалари. -Т.: Ўқитувчи. 1995.- 20 б.
- 39 Эгамов Х. Бўёқлар билан ишлаш. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи 1981.
- 38 Эгамов Х. “Бўёқлар билан ишлаш”. “Ўқитувчи”. Тошкент – 1986 йил.

Интернет материаллари

1. WWW. amazon.com
2. WWW. dvgu. ru.| umu| didjezt |newknov| yar 99|
3. WWW. adpima. com
4. WWW. sciontologu.org. ru
5. WWW. ip kpol aaa net.ru
- 6 <http://www.ZiyoNET.uz>.
- 7 www.ozon.ru >
- 8 www.ozon.ru/context/detail/id/5821511/
- 9 www.biografia.ru/cgi.../quotes.pl
- 10 www.abc-people.com/.../leonardov/bibliograf.htm